



УДК: 94(545.1)

Роҳила РАЖАБОВА,
Бухоро давлат университети
Ислом тарихи ва манбаишунослиги,
Фалсафа кафедраси таянч докторанти
E-mail: rohilazakirovna@mail.ru

Мир араб олийгоҳи ректори, тарих фанлари номзоди Юлдашходжаев Х. Х.

SCIENTIFIC ANALYSIS OF SALIMBEK'S "HISTORY OF SALIMIY"

Abstract

Today, young researchers have a lot of tasks ahead of them. The most important task is to restore and study the spiritual and cultural heritage of the Uzbek people, and a lot of work has been done and is being done to study and introduce a number of primary sources on the history of Uzbekistan. A number of historical sources on the history of the Bukhara Emirate have been studied and scientific research has been conducted. Nevertheless, many manuscripts have been written about the history of the Bukhara Emirate in the specified period, which are still unexplored and one of the tasks before us.

Keywords: Bukhara, manuscript, history, Mangit period, amir, socio-political, culture.

НАУЧНЫЙ АНАЛИЗ "ИСТОРИИ САЛИМБЕКА"

Аннотация

Сегодня перед молодыми исследователями стоит много задач. Важнейшей задачей является восстановление и изучение духовного и культурного наследия узбекского народа, и здесь проделана и проводится большая работа по изучению и внедрению ряда первоисточников по истории Узбекистана. Изучен ряд исторических источников по истории Бухарского эмирата, проведены научные исследования. Тем не менее, об истории Бухарского эмирата в указанный период написано немало рукописей, которые до сих пор остаются неизученными и являются одной из стоящих перед нами задач.

Ключевые слова: Бухара, рукопись, история, мангитский период, амир, общественно-политическая, культура.

САЛИМБЕКНИНГ "ТАРИХИ САЛИМИЙ" АСАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Ҳозирги кунда ёш тадқиқотчилар ва илмий изланувчилар олдига жуда кўплаб вазифалар қўйилган. Энг муҳим вазифа ўзбек халқининг маънавий ва маданий меросини тиклаш ва ўрганиш бўлиб, Ўзбекистон тарихи бўйича бир қатор бирламчи манбаларни ўрганиш ва илмий фойдаланишга жорий этиш бўйича кўп ишлар амалга оширилди ва оширилиб келинмоқда. Бухоро амирлиги тарихи бўйича бир қатор тарихий манбалар ўрганилиб, илмий изланишлар олиб борилган. Шунга қарамай, белгиланган даврдаги Бухоро амирлиги тарихи ҳақида жуда кўплаб қўлёзма асарлар ёзиб қолдирилган бўлиб, улар ҳалигача ўрганилмаган ва олдимизда турган вазифалардан ҳисобланади.

Калит сўзлар: Бухоро, қўлёзма, тарих, мангитлар даври, амир, ижтимоий-сиёсий, маданият.

Кирриш. Маълумки, Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганиш борасида тарихий манбалар шунинг қўрсатадики, тарихий воқеаларнинг гувоҳи ёки иштирокчиси бўлган маҳаллий муаллифларнинг турли хил ҳужжатлари ва хотиралари тарихни ҳаётий ўрганишда катта ёрдам беради.

"Тарихи Салимий" ("Салимийнинг тарихи") асарининг муаллифи XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган Мирза Салимбек бўлиб, унинг тўлиқ исми Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳимдир. Олим 1850/51 йилларида Бухоройи шарифда бадавлат ва нуфузли хонадонда таваллуд топган.

"Тарихи Салимий" Бухоро амирлигининг сўнгги учта Мангит ҳукмдори даврида бўлган Музаффар (1860-1885), Абдулахад (1885-1910) ва Олимхон (1910-1920) давридаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарихи ҳақида қимматли ва батафсил маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу хотираларнинг муаллифи, учта амир даврида яшаган Мирза Раҳимнинг ўғли Мирза Салимбек (1848-1930) улар ҳузурида юқори давлат лавозимларида ишлаган. У ўзи таърифлаган аксарият воқеаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган. Мирза Салимбек у ёки бу ходисани тасвирлаб бериб, уни ўзига хос тарзда баҳолайди, унга муносабатини билдиради, ўзининг ички дунёси ва таассуротларини ўзига хос тарзда очиб беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бухоро тарихини ўрганиш ва мангитлар даврини ёритиш

борасида жуда кўплат тадқиқотлар амалга оширилди. Масалан, Д.А.Алимова, А.Азизходжаев, В.В.Бартолд, С.Бекер, Ҳ.З.Зиёев, Л.Э.Крестовский, Д.Логофет, Э.Мейендорф, А.Р.Муҳаммаджонов, А.Зиё, А.Н.Нечаев, Н.К.Норкулов, К.Ражабов, М.Холдсворт, Р.Ҳаликова каби тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борганлар. Мирзо Салимбекнинг "Тарихи Салимий" асари ҳам Бухоро тарихи ҳақидаги ноёб маълумотлар билан қимматли ва аҳамиятлидир. "Тарихи Салимий"да замондошлари асарларида топилмаган жуда кўп маълумотлар мавжуд[1]. Бу асарда нафақат Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихига оид маълумотлар, балки география, этнография ва меъморчилик тарихи ҳақидаги маълумотлар ҳам келтириб ўтилган. Қўлёзма муаллифи жуда аниқ, тушунарли тилда, ўзи кўрган воқеаларни тасвирлайди. У асарида амир Музаффар давридаги ўз фаолиятдан токи амир Олимхон давригача бўлган хизмат фаолияти ҳақида батафсил айтиб беради.

Унинг "Тарихи Салимий" асари ҳақида Р.Ю. Почкаев "Российский протекторат над Бухарой в оценках Бухарской элиты конца XIX — начала XX в." номли мақоласида қуйидагича келтириб ўтган: "Мирзо Салимбекнинг "Тарихи Салимий" асари Аҳмад Дониш ва Абдулазим Сомий асарларидан фарқли ўлароқ, улар муаллифнинг ўта консерватив қарашларини ва Бухоро ҳукмдорларига сўзсиз содиқлигини акс эттиради - чунки у ўз хотираларини уларни нашр этишни хоҳламаган ҳолда

ёзганлиги ва шу билан ҳукмдордан қўшимча имтиёзлар олганлигини айтиб ўтган. У Бухоро амирлигидаги рус ҳукумати фаолиятига ўта салбий муносабатда бўлган ва шунга қўра, Россия таъсирида маҳаллий ислохотчилар томонидан олиб борилаётган ҳар қандай ислохотларни кескин қоралаган"[2:508-527].

Ушбу манбанинг биринчи илмий тавсифини А. А. Семенов амалга оширган бўлиб, у Мирза Салимбекнинг таржимаи ҳоли ва ижодий меросига бағишланган мақола ёзган. Ҳозирда ушбу мақола Душанбедаги А. А. Семеновнинг шахсий архивида “Охирги Бухоро тарихчиси (Мирза Салимбек)” номи остида сақланмоқда. Л.М.Епифанова ҳам ўз изланишлари давомида “Тарихи Салимий” асарига мурожаат қилган. Вилданова эса Бухоро амирлигининг иқтисодий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ушбу асардан олганлигини айтиб ўтган.

“Тарихи Салимий”да келтирилишича, Мирза Салимбек Амир Абдалаҳад тахтга чиққанида, Салимбек Бухоро элчихонаси таркибида Санкт-Петербургга йўл олади. У беш йил давомида Бухоронинг миршаби бўлиб хизмат қилган. Кейин Шаҳрисабз вилоятининг жанубида жойлашган Яккабоғга ҳоким этиб тайинланади. Кейинчалик Нурота вилоятига ва кейин Бойсун вилоятини бошқарган. Салимбекнинг ишбилармонлигини инobatга олган ҳолда, амир уни энг кийин жойларга юборган. 1905 йилда у Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган дашт кенгликлари чегарасида жойлашган Шеробод вилоятининг ҳокими этиб тайинланади.

Асарда келтирилишича, Салимбек Амир Олимхон даврида асосий закотчига айланади ва амирликнинг молиявий қисмини бошқарган. 1918 йил март воқеалари пайтида у амир кўшинига қўмондонлик қилган.

“Тарихи Салимий”да келтирилишича, Салимбек нафақат, ҳокимлик ва молиявий ишлар билан шуғулланган, балки у савобли ишлар билан ҳам шуғулланган: мадраса қурдирган ва ерлари ва мол-мулкнинг бир қисмини вақфга ўтказган, қабрлар ва масжидларни таъмирлаган, адабий фаолият билан шуғулланган ва ҳоказо. Мирза Салимбек бир қатор тарихий, адабий ва диний асарлар муаллифи бўлиб, унинг адабий мероси қimmatли аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот методологияси. Унинг тарихий асарлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Тарихчининг асосий асари “Тарихи Салимий” бўлиб, қўлёзма фақат битта нусхада мавжуд. У Бухоро амирлигининг сўнгги давридаги тарихга бағишланган. Мирза Салимбек ўз асарини 1917 йилда ёзишни бошлайди ва 1920 йилда тугатади, буни қўлёзманинг бир нечта жойларида хронологик саналар тасдиқлайди[3:66а-68а]. Тарихий воқеалар кетма-кетлиги ва тафсилотлари ҳамда фактларга оид материалларнинг бойлиги бўйича “Тарихи Салимий” ўша давр тарихчиларининг асарлари билан баҳслаша олган. Унда амирликнинг сиёсий тарихи янада тўлиқ акс эттирилади. Салимбекнинг хотираларида Бухоро амирлигининг маъмурий тузилиши тўғрисида аниқроқ маълумот берилди; қатор лавозим ва лавозимларнинг функциялари аниқ кўрсатилган: кушбеги, закотчи, миршаб ва бошқалар. Маълумки, амирликдаги ижроия ҳокимияти энг юқори кушбеги (кушбеги-и боло) ва пастки кушбеги (кушбеги-и поин). Биринчиси Арқда - амирнинг қароргоҳида яшаган, шунинг учун уни юқори деб аташган. Қуйи кушбеги марказий молиявий қисмини бошқарган ва барча вилоят закотлари унга бўйсунган. Унинг идораси Арқнинг этагида жойлашган. Шунинг учун у пастки кушбеги деб номланган.

Салимбек амирликнинг иқтисодий тарихи ва амирликдаги турли вазиятлар ҳақида жуда муҳим маълумотларни келтириб ўтган бўлиб, кўпинча

қурғоқчилик, даҳшатли очарчилик ва эпидемиянинг тарқалишини эслатиб туради. Салимбекнинг хотираларида жадидлар ташкилоти пайдо бўлиши ва ёш бухороликлар фаолияти тўғрисида ҳам янги маълумотлар мавжуд.

Таҳлил ва натижалар. Тарихчи амир Музаффар ўғилларининг ҳар бирини таржимаи ҳолини тавсифлайди. Бу ушбу даврдаги бошқа тарихчиларнинг (Аҳмад Дониш ва Сомий) асарларида йўқ. Мирза Салимбек ва унинг замондошлари материалларига асосланиш, тасвирланган воқеаларни танқидий баҳолашга ёрдам беради. Салимбек амир Насруллоҳ ҳукмронлиги даври ҳақида гапирар экан, унинг фаолияти тўғрисида ниҳоятда салбий фикрларни гапирди. Мирза Салимбек хотиралари Чингизхон босқинидан кейин манғитлар ҳокимият тепасига келгунига қадар Марказий Осиёнинг қисқача тарихи билан бошланади. Кейинчалик “Тарихи Салимий”да манғит ҳукмдорлари ҳақида сулола асосчиси Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳокимият тепасига келиши ва ундан кейинги воқеалар амир Музаффар тахтига ўтирилунига қадар батафсил маълумот берилган. Амир Музаффар ҳукмронлигидан кейинги воқеалар ҳақидаги ҳикоялар Мирза Салимбекнинг ўз ҳаётидаги эпизодлар билан чамбарчас боғлиқ ва шунинг учун асарининг ушбу асосий қисмини эсдалик деб аташ мумкин.

“Тарихи Салимий”нинг катта қисми (1246-2316) сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий воқеаларга ниҳоятда бой бўлган ва асарда Бухоро амирлигининг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатлари ҳақида жуда кўплаб қimmatли маълумотлар келтириб ўтилган. Бухоро амирлигининг Туркия билан ҳамкорлиги ҳақида муаллифнинг “Кашқули Салимий” асарида ҳам тўхталиб ўтилган. Бухоро ва Туркия алоқалари Насруллоҳон (1826-1860 йй.) ва Музаффариддинхонлар (1860-1885 йй.) ҳукмронлиги даврида ҳам давом этиб турган. Чунончи, ҳар бир янги тахтга кўтарилган хон айрим мамлакатларга элчилар юбориб, бу ҳақда ўша давлат ҳукмдорларини хабардор қилиши лозимлиги аъёнасига кўра, амир Насруллоҳон ҳам ўзининг тахтга чиққаниги ҳақидаги хабарни Усманийларга етказиш учун қирқ уруғидан бўлган Болтақулбек Чигатойбеги Усманийлар султони Абдулмажидга элчи қилиб юборди[4:152]. Болтақулбек Чигатойбеги Истамбулга Эрон орқали сафарга чиқиб, қабул қилинган таомилга кўра, бу мамлакат подшоҳига ҳам (гарчи Эронга махсус, қирқ уруғидан бўлган Қобулбек бий элчи қилиб юборилган бўлса-да) ўз ҳукмдорининг ҳурмат эътиборини изҳор қилиш учун тўхтаб ўтади. Асарда баён қилинишича қирқ уруғидан бўлган Болтақулбек Чигатойбеги жуда тадбиркор, ақлли, доно ва сўзга бой дипломат бўлган. У Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳнинг “Бухоро халқи Эрон фуқароларини ўғирлаб сотиб тирикчилик ўтказадилар-у, бунинг устига шарм-ҳаё қилмасдан подшоҳларга элчилар ҳам юборадилар”, - деб ўз адоватини изҳор қилган сўзларига донолик билан жавоб бериб, бу вазиятдан кутула олган ва шоҳнинг эътиборига сазовор бўлган. Жумладан, у Эрон шоҳига ушбу давлатнинг қондаларига асосан шоҳ қаршисида ўрндан турган ҳолатда шундай жавоб қилади: “... Шаҳаншоҳга маълумки, қадимдан Бухоро подшоҳлари аксар мамлакатларга нисбатан номдор ва машҳур бўлганлар. Айрим кишилар бунга шак ва шубҳа қилдилар. Бухоро давлати ва Эрон мамлақати ўртасида туркман жамоаси бўлиб, на Бухоро ва на Эрон подшоҳи қонунарига тобеъдирлар”[5:59а-60б].

Салимбек амирнинг Совет делегацияси аъзолари билан қандай муносабатда бўлганлиги ҳақида кўпроқ ёзади. “Олий маҳкаманинг хизматчиларидан бир неча киши, адолат устунлари амирнинг олдига келишди ва учта

[болшевик] сакраб чикиб, томга кўтарилишга муваффақ бўлишди. Улар ярим тунгача жанг қилдилар ва амирнинг икки аскарини ўлдирдилар; икки-уч киши яраланган. Бутун тун давомида ҳеч кимда тинчлик йўқ эди... Хонани кўплаб аскарлар ўраб олишди. Уларнинг барчаси қуролроғ билан қуролланган эди. Хонага кириш ёпилди...”, каби маълумотлар келтирилган.

Мирза Салимбек амир кўшинларининг Колесовнинг чекинаётган отряди билан олиб борган жангларини батафсил баён қилади. Манбада Мирза Салимбек Бухоро делегацияси бошчилигидаги тинчлик музокаралари жараёни ҳақида ҳам сўз юритади. Музокаралар 1918 йил 23 мартда бошланган. Муаллифнинг фикрига кўра, Қизил-Тепа шартномаси имзоланганидан кейин (1918 йил 25-март) Чоржуй, Кармана, Хатирчи ва Зияуддин амирга қайтарилган.

Бухорода диний радикаллар авж олганлигини ва улар амалдорлар ва хаттоки, амир Абдулаҳаднинг ўзини ҳам айблаб бошлаганларини Салимбек афеус билан айтиб ўтган. Салимбек “Бухоронинг Россияга яқуний кўшилиши ва мусулмон динининг таққилиниши билан тугаши кераклиги. Муаллиф Бухоронинг ҳар бир кўчасида, бозорларда... жадидларнинг олиб бораётган фаолиятларини батафсил ёритган”[2].

Мирзо Салимбек Тошкент шаҳри ҳақида: “Эллик йил давомида Туркистоннинг энг яхши шаҳарларидан бири бўлган Тошкент унинг маркази эди. Бу ерда кўшинлар ва Россия давлатининг губернатори жойлашган эди. Йиллар давомида зикр этилган шаҳар аста-секин ободонлаштирилди. Унинг беш юзга яқин дўкони бор эди, уларнинг ҳар бири бир юздан юз миллион рублгача бўлган молларни сотар эди. Шаҳарнинг ички қисми ҳам ободонлаштирилди, у ерда ҳамма ўз хунармандчилиги билан шуғулланар ва ҳеч ким бир-бирига аралашмас эди”, каби фикрларни келтириб ўтган.

Россия бостириб келгач, Тошкентда ҳам жуда кўплаб ўзгаришлар содир бўлган. Булар тўғрисида ҳам Салимбек тўхталиб ўтган. Юқорида келтириб ўтилган дўконларнинг барчаси эгаллаб олинганлиги ва бойликларни ва дўконларни ўзлаштириб олинганлиги, улар кўплаб дўкон эгаларини ўлдирганлар ва молмулкларини тортиб олганлар, кейин эса аҳоли хунармандчилик билан шуғулланишга ва кўплари эса ёлланма оғир ишларни бажаришга мажбур бўлганлар. Одамлар зўрға кун кечиришганлигини айтиб ўтган[3:68а].

Юқоридаги фикрларнинг давоми сифатида Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асаринида келтирилган маълумотларни санаб ўтишимиз мумкин. Ушбу асар Россия империясининг Ўрта Осиёга истилочилик юришларини ёритиб берувчи асосий манбалардан бири бўлиб, Муҳаммад Солиххўжа ҳарбий

ҳаракатлар жараёнини бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ воқеалар кетма-кетлиги асосида батафсилроқ ёритишга интиланган. Асарда ўз ифодасини топган Россия империясининг Ўрта Осиёга қаратилган истилочилик юришларига доир маълумотлар қуйидагича тавсифланади: “Россия империяси кўшинларининг Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ҳудудларига босқинчилик юришлари, Абдумаликтўра бошлиқ ватанпарварларнинг душманга қарши кураши, Пўлатхон бошчилигидаги халқ норозилик ҳаракати ва уни бостириш баҳонасида Кўқон хонлигининг тугатилиши ҳам акс этган ва унда бу борадаги бошқа муаллифларнинг манбаларини тўлдирадиган маълумотлар бор”[6].

“Тарихи Салимий” Бухорога Туркистон болшевиклари делегациясининг келиши тўғрисида эълон билан тугайди. Аммо, Мирза Салимбек ўзининг ёзувларини яқунлай олмайди, бунга 1920 йил март ойида оммавий намойишлар тез-тез бўлиб турадиган Чоржуйга сафари халақит беради. Иншонинг охири Бухорода бўлиб ўтган “халқ инқилоби”дан кейин ёзилган: “Бухоро мустақил равишда яна бир йил яшади. 1920 йилда Бухорода инқилоб юз берди ва Амир Олимхон Афғонистонга қочиб кетди. Унинг ўрнига Совет ҳукумати ўрнатилди”.

Хулоса ва таклифлар. “Тарихи Салимий” асари тадқиқотчилар томонидан тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этилган бўлсада[7], сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи нуқтаи назаридан деярли ўрганилмаган. Мирза Салимбек мазкур асарида ўзи фаолият юритган барча даврларни таҳлил этиб, давлат, уни бошқариш, ҳукмдорнинг вазифалари хусусида илғор сиёсий-ҳуқуқий фикрларни илгари сурган. Мирза Салимбекнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг асарларида давлатни мустақкам идора этишнинг энг асосий йўли бу - Бухоро амирлиги билан қўшни давлатлар ўртасида ўзаро сиёсий, маданий, савдо-сотик алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда ўзаро дипломатик муносабатларни янада тиклаш зарурлиги ғояси ётганининг гувоҳи бўламиз.

Мирза Салимбек хотираларининг бошида 1918 йил март ойида содир бўлган воқеаларни эслатиб ўтади. Шунга асосланиб, у қўлёзманинг асосий қисмини октябр инқилобидан кейин ва 1917 йил ноябрда рус аҳоли пунктларида ҳокимият советлар қўлига ўтганидан кейин ёзган деган хулосага келишимиз мумкин. “Тарихи Салимий” Кўқон қоғозига насталиқ хати билан ёзилган, ҳажми 230 varaқ.

Демак, “Тарихи Салими” мемуарида 1918 йилдаги Бухоро воқеалари ҳақида кўшимча материаллар мавжуд бўлиб, улар чуқур танқидий ўрганиш билан бизнинг тарихчиларимиз томонидан ишлатилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Қосимов Бегали. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг илк босқичи. <https://ziyouz.uz/ilm-vafan/adabiyot/milliy-uygonish>
2. Вестник РУДН. Серия: Юридические науки 2017 Т. 21. № 4. 508–527. <http://journals.rudn.ru/law>.
3. Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим. Тарихи Салимий. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида инв. № 2016 рақами остида. XIX аср. 66а-68а.
4. Шодиева Ш.С.. Бухоро ва Туркия ўртасидаги дипломатик муносабатлар, Хоразм ma'mun akademiyasi axborotnomasi –10/2020. 152 б.
5. Мирза Муҳаммад Салим. Тарихи Кашкули Салимий // ЎзР ФА ШИ. Инв.– №2016, В.59а-59 б-60б.
6. Султонов Ўқтамбек Абдулганиевичнинг тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажарган диссертациясининг автореферати, Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидайи Тошканд” асари муҳим тарихий манба сифатида. Тошкент – 2007 .
7. Норкулов Н. К. «Тарихи Салими» - ценный источник по истории Бухарского эмирата (1860-1920). Автореф. Дисс...канд. ист. наук. Ташкент. 1968.
8. Goldziher I. Introduction to Islamic Theology and Law. Princeton, 1981.
9. Ислам. Энциклопедический словарь. Москва, 1991. Б. 254-259.